

**М.Қ. Абдуллаев,**  
ассистент, ТДИУ

## **МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*В статье говорится о важности и необходимости использования интернет сети в экономике страны. Проанализированы число пользователей интернет сетью субъекты малого бизнеса, частных лиц и абонентов Республики Узбекистан, а также даны рекомендации о широком обеспечении использования Интернет сетью населения республики.*

*The article talks about the importance and necessity of the use of Internet network in the country's economy. Analyzed the number of users of the Internet network of small businesses, individuals and subscribers of the Republic of Uzbekistan, as well as the recommendations of the wide use of the Internet network security of the population.*

**Калитли сўзлар:** Интернет, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), шаҳарлараро коммуникация, ФТТх технологияси, тармоқ технологияси.

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бориши ва глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодий тизимида ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда тез суръатда ривожланиши учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш жамият ижтимоий иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида ахборотлаштириш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни татбиқ этишни тезлаштириб юборди.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардаги каби ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг стратегик йўналиши деб тан олинган бўлиб, ушбу соҳага инвестицияларни йўналтириш, тегишли ҳукуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларни яратилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада юртбошимиз И.А. Каримов ўз сўзларида “Шаҳарлараро коммуникация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш (NGN), “ФТТх технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш”[1] – деб тўхталиб ўтдилар.

“Ўзбекистон жаҳон компьютер майдонида ўзини кўрсатиши керак. Компьютерлаштиришни, Интернетни, умуман ахборот технологияларини нафақат ишлаб чиқариш ва саноатда, мактаб ва олий таълим билим юртларида ҳам татбиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиш лозимдир”[2].

Шундай экан ахборот-коммуникация технологияларини республикаимиз миллий иқтисодиётига кенг жорий қилиш жуда катта қулайлик яратмоқда. Хусусан, маълумот узатиш, статистика молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий

этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқдалар. Бу жараёнларнинг қўлланилиши дунёнинг замонавий алоқа ва ахборот воситалари юқори даражада ривожланган мамлакатлари қаторига кўшилиш, ишбилармонлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича кўшимча имкониятлар яратади.

Бундан ташқари ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига ҳам кенг кўламда жорий қилиш, ўқув ва илмий ахборотларни талаба ҳамда профессор ўқитувчилар томонидан қидириб топишга кетадиган вақтнинг қисқаришига шунингдек тезкор маълумот алмашишга имкон беради.

Республикамиз миллий иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида амалий ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни, “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида олиб борилмоқда. Юқорида келтирилган Президентимиз Фармонида “...реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш”[3] белгилаб қўйилган.

Ахборот – коммуникация технологияларини ривожланишига йўналтирилган сиёсатни олиб бориш натижасида Ўзбекистонда йилдан-йилга аҳолининг кенг қатламларига компьютер ва Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари шахсга ўзининг ривожланиши ва бизнесини ривожланиши учун беқиёс имкониятлар яратмоқда. Бу эса шахсдан, ва айниқса тадбиркордан компьютер ва Интернет технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш заруратини яратади. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида интернет тармоғига уланиш имконияти бор абонентлар сонини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

#### 1 жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғига уланиш имконияти бор абонентлар сони, жами (бирликда)

№	Минтақалар	2012 йил	2013 йил
1	2	3	4
1.	<b>Республика бўйича жами</b>	<b>7350817</b>	<b>9341954</b>
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	341371	643272
	<b>Вилоятлар</b>		
3.	Андижон вилояти	346490	783493
4.	Бухоро вилояти	427748	516001

## 1 жадвалнинг давоми

1	2	3	4
5.	Жиззах вилояти	473515 <sup>1</sup>	313108
6.	Қашқадарё вилояти	322498	492819
7.	Навоий вилояти	295501	333219
8.	Наманган вилояти	478346	654353
9.	Самарқанд вилояти	622466	883638
10.	Сурхондарё вилояти	216488	416449
11.	Сирдарё вилояти	88773	246178
12.	Тошкент вилояти	15596 <sup>2</sup>	322680
13.	Фарғона вилояти	956082	850166
14.	Хоразм вилояти	190267	443749
15.	Тошкент шаҳри	2575676 <sup>3</sup>	2442829

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалга кўра, 2012 йилга нисбатан 2013 йилда интернет тармоғига уланиш имкониятлари бор абонентлар сони сезиларли даражада ошган. Бу эса фойдаланувчиларга Интернет тармоғининг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотимизга кўра Ахборот ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш лойиҳалари доирасида НЕК, Алкатель Сель АГ, Сименс АГ ва бошқа шу сингари телекоммуникация, ахборот-коммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи етакчи чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Маълумотлар узатиш тармоқларини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек республика минтақаларида Интернет тармоғига уланишни кенгайтириш – маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари ҳисобланади. Биз 2 жадвалда республикада Интернет тармоғига уланиш имконияти бор жисмоний шахсларни кўришимиз мумкин.

## 2 жадвал

**Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғига уланиш имконияти бор жисмоний шахслар кўрсаткичи (бирликда)**

№	Минтақалар	2012 йил	2013 йил
1.	Республика бўйича жами	7121886	8961899
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	331655	621176

<sup>1</sup> - айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Сирдарё вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

<sup>2</sup> - айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Андижон вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

<sup>3</sup> - айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Тошкент вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

	<b>Вилоятлар</b>		
3.	Андижон вилояти	335883	755030
4.	Бухоро вилояти	413096	494325
5.	Жиззах вилояти	460692 <sup>4</sup>	299294
6.	Қашқадарё вилояти	313558	477761
7.	Навоий вилояти	283719	316257
8.	Наманган вилояти	464927	628339
9.	Самарқанд вилояти	607974	853762
10.	Сурхондарё вилояти	211460	403370
11.	Сирдарё вилояти	84535	235900
12.	Тошкент вилояти	13816	306733
13.	Фарғона вилояти	924658 <sup>5</sup>	815001
14.	Хоразм вилояти	183456	425560
15.	Тошкент шаҳри	2492457 <sup>6</sup>	2329391

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.**

Жадвал маълумотларига кўра, 2012 йилга нисбатан 2013 йилда интернет тармоғига уланиш имкониятлари бор жисмоний шахслар сони сезиларли даражада ошган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жорий этилиши иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, иш самарадорлигини оширишга, давлат бошқарувида меҳнат унумдорлигини ўстиришга ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро алоқалари яхшиланишига олиб келади. Биз 3-жадвалда хўжалик юритувчи субъектларнинг интернет тармоғига уланганлик даражасини келтириб ўтамыз.

Ахборот-коммуникация технологияларини республикамиз миллий иқтисодиёти, таълим, илмий, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларига жорий этиш, уларнинг ахборот тармоқларига, шу жумладан, Интернет тармоғига уланишини кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги фармони билан белгиланган компьютерлаштириш, АКТни ривожлантириш ва уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

<sup>4</sup> айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Сирдарё вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

<sup>5</sup> - айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Андижон вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

<sup>6</sup> - айрим хизмат кўрсатувчи субъектларнинг маълумотлари Тошкент вилояти абонентлари билан бирга кўрсатилган.

3 жадвал

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг Интернет тармоғига уланганлик кўрсаткичлари

№	Минтақалар	01.01.2013		01.01.2014	
		Жами рўйхатдан ўтган юридик шахслар <sup>7</sup>	Интернет тармоғига уланган хўжалик субъектлари сони <sup>8</sup>	Жами рўйхатдан ўтган юридик шахслар <sup>7</sup>	Интернет тармоғига уланган хўжалик субъектлари сони <sup>8</sup>
1	2	3	4	5	6
1.	Республика бўйича жами	259622	17153	266397	21180
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	12893	1034	13177	1239
<b>Вилоятлар</b>					
3.	Андижон вилояти	24218	663	25553	1008
4.	Бухоро вилояти	15116	865	14722	1381
5.	Жиззах вилояти	9987	818	10453	1050
6.	Қашқадарё вилояти	24377	627	24292	872
7.	Навоий вилояти	8482	1016	8465	1131
8.	Наманган вилояти	18257	748	18243	864
9.	Самарқанд вилояти	18458	744	19056	1002
10.	Сурхондарё вилояти	15125	901	14237	1042
11.	Сирдарё вилояти	8347	506	8701	546
12.	Тошкент вилояти	23625	1293	25025	1396
13.	Фарғона вилояти	21800	1063	23169	1075
14.	Хоразм вилояти	12748	668	13069	803
15.	Тошкент шаҳри	46189	6207	48235	7771

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Республика аҳолисининг Интернет тармоғидан кенг фойдаланишини таъминлаш учун алоқа бўлимлари, корхоналари, Интернет-қахвахоналар, Интернет-дўконлар, Интернет-клубларда жамоа тартибида фойдаланиш шохобчаларини ташкил этиш назарда тутилиши керак.

Интернетда ўзбек тилидаги миллий ахборот ресурсларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Бунинг учун:

<sup>7</sup> - деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари.

<sup>8</sup> - хўжалик юритувчи субъектлари томонидан Статистика қўмитасига тақдим этилган ҳисобот маълумотлари асосида.

- давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзбек тилидаги ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ҳуқуқий, статистика, банк ахборотиغا оид миллий маълумот базаларини барпо этиш ҳамда уларга ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг турли босқичларда киришини таъминлаш;

- давлат тилидаги идоравий ва идоралараро маълумот базаларини, шунингдек, идоравий ва идоралараро электрон ҳужжатнинг айланиш тизимини яратиш керак бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятлари сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ, №13.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ, №13.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-3080-сон қарори. Т. 2002 йил 30 май.

4. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. Дарслик. – Т.: “Фан” нашриёти, 2010 йил.

5. Алимов Р.Х., Бегалов Б.А., Юлчиева Г.Т., Алишов Ш. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005. - 184 б.